



АФҒОНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифи биноан Афғонистон Ислон Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани 4 декабрь куни расмий ташир билан мамлакатимизга келди.

Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов кутиб олди.

Қисқа суҳбатдан сўнг Афғонистон делегацияси ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Таширнинг асосий тадбирлари 5 декабрь куни бўлиб ўтди.

Олий даражадаги учрашувларда Ўзбекистон ва Афғонистон муносабатларининг бугунги ҳолати ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини муҳокама қилиш, халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган.

Музокаралар ақнида давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилиниши, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, фан, таълим ва бошқа соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар, шунингдек, тижорат шартномалари имзоланиши кутилмоқда.

Афғонистон Президенти Ўзбекистонга ташир билан доирасида Бухоро шаҳрини ҳам зиёрат қилади.

ЎзА

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ — ХИЗМАТ АВТОМАШИНАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Термизда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сурхондарё вилояти шаҳар ва туманлар кенгашларига Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси — хизмат автомашиналарини топширишга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳаллалар фаоллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари нуфузини юксалтириш, ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар жойларда тинчлик-осойишталик ва аҳолининг фаровон турмушини таъминлашга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 3 февралдаги «Маҳалла институти янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим дастурий алоҳида бўлмоқда.

— Конституциямиз қабул қилинганининг 25 йиллик байрами арафасида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сурхондарё вилояти шаҳар ва туманлар кенгашларига Президентимиз номидан хизмат автомашиналари совға қилинган соҳага қаратилган юксак эътибор ифодаси бўлди, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сурхондарё вилояти кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Абдулҳаким Эшмуродов. — Вилоятда 717 маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва халқ билан яқинлаштиришда шаҳар, туман кенгашларининг алоҳида ўрни бор.

Тадбирда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Термиз шаҳар ва 13 туман кенгашига Президент совғаси — хизмат автомашиналарининг калити топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Р.Комиллов, О.Муродов, Қ.Қуронбоев, Бош вазири ўринбосари, Республика Хотинчилар кўмитаси раиси Т.Норбоева ва Сурхондарё вилояти ҳокими Э.Турдимов иштирок этди.

Х.МАМАТРАЙМОВ,
ЎзА мухбири.



ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТДА

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси парламент модели» лойиҳасини ўтказмоқда. Лойиҳа доирасида семинар-тренинглар, учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил қилиняпти. Ана шундай тадбирлардан бири Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтди. Унда бир гуруҳ ёшлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари, партия фаоллари ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаоллари билан учрашди. Тадбирда ёшларнинг сиёсий тафаккури ҳамда бахс

маданиятини ошириш, парламентда ўтказиладиган муҳокамалар, қонун ижодкорлиги жараёни шаффофлигини ошириш каби масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, ёшларга Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг фаолияти ҳақида маълумот берилди. Қабул қилинаётган қонунларнинг мамлакат тараққиётидаги аҳамияти тўғрисида сўз юритилди.

Ўз мухбиримиз.

Ижтимоий сўров

МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БИР ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТИ ДАВОМИДА ЎЗБЕКISTON АҲОЛИСИНИНГ УНГА ИШОНЧИ ОРТДИ

2017 йил 4 декабрь куни Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганига бир йил тўлди. Шу муносабат билан «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан «Фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Президенти тўғрисида» мавзусида ижтимоий сўров ўтказилди. Уни ўтказишдан мақсад аҳолининг давлатимиз раҳбарига бўлган ишонч даражасини аниқлаш, шунингдек, фуқароларнинг Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимиз ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий ва бошқа соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларга муносабатини ўрганишдан иборат бўлди.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш жараёнида фуқароларимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланиши билан мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида янги босқич бошланди, дея фикр билдирган. Улар Президент раҳнамолигида жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида қисқа муддат ичида туб ўзгаришлар рўй берди, деб ҳисоблайди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизни ривожлантиришнинг янги Стратегиясини илгари сурак экан, «Стратегия — бу янгиланиш жараёнларининг ҳақиқий ҳаракатлар дастуридир. Бу ҳужжат ҳозирги вақтда ҳаётга изчил жорий этилмоқда. 2017 йил мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинди. Бизнинг мақсадимиз — юртимизда халқ ҳокимиятини номуага эмас, балки амалда жорий қилиш механизмларини мустаҳкамлашдан иборат. Ишончимиз комил: халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак», дея таъкидлаган эди.

Олинган маълумотларга кўра, респондентларнинг мутлақ кўпчилиги Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида қонун устуворлигини мустаҳкамлаш ва жиноятчиликни камайтириш, инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳар бир фуқаро, ҳар бир оиланинг муносиб ҳаёт кечириши учун қулай шароитлар яратиш бўйича салмоқли натижаларга эришилди, деб ҳисобламоқда. Сўров қатнашчилари ушбу йўналишда Президентимиз ташаббуси билан жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш ва аҳолининг долзарб муаммоларини тезкор ҳал этишга хизмат қилувчи очик мулоқот тизими — Халқ қабулхоналари-

нинг жорий қилиниши муҳим аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлаган.

Фуқароларнинг 90,7 фоизи давлатимиз раҳбари томонидан тинчлик, ҳамкорлик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланган муваффақиятли ҳамда самарали ташқи сиёсат олиб борилмоқда, деган қатъий фикрда.

Сўров иштирокчиларининг 88,6 фоизи мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, аҳоли, хусусан, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, жумладан, имтиёзли кредитлар ва солиқ преференциялари тақдими этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини рағбатлантириш ҳамда кенгайтириш ҳисобидан оилавий тадбиркорлик ва қасаначилик, ёрдамчи хўжаликлари ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилган, деб ҳисоблайди.

Фуқароларнинг аксарияти (90,9 фоизи) сўров давомида шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш, замонавий бинолар, турар жой мажмуалари бунёд этиш, шифохоналарни реконструкция қилиш, янги замонавий тиббиёт марказлари, мактабгача таълим муассасалари ва спорт иншоотлари, бизнес марказлари, замонавий автоматизатрлар ва инфратузилма объектилари, кўприклар қуриш, тарихий-меъморчилик ёдгорликларини асраб-авайлаш ва таъмирлаш борасида эришилган салмоқли ютуқларни қайд этган.

85,2 фоиз респондент сўнгги йилларда мамлакатимизда самарали ижтимоий ҳимоя амалга оширилмоқда, фуқаролар яшаш шароитлари яхшиланмоқда ва бандлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, деган фикрда. Сўров давомида фуқаролар

аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг юқори самарадорлигини таъкидлаган.

Юртдошларимизнинг 86,3 фоизи ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини жорий қилиш, мактабгача таълимнинг янги тизimini ташкил қилиш, умумтаълим мактабларида 11 йиллик ўқитиш тизimini тиклаш, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш таълим-тарбия жараёни самарадорлигини янада ошириш, ўсиб келаётган ёш авлодни чуқур билимга эга баркамол инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда, деб ҳисобламоқда.

Жамоатчилик фикри сўрови аҳолининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга бўлган юксак ишончи ҳамда давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ҳаётга изчил татбиқ этилаётган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган сиёсатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни кўрсатди.

Олинган натижалар юртдошларимизнинг аксарияти Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон фуқаролари озуумидларини тўла рўёбга чиқараётганига ва аҳолининг мутлақ қўллаб-қувватлашига эга раҳбар эканига қатъий ишонади. Мониторинг Президентимизга ишонч даражаси 2017 йил июль ойидаги 92,4 фоиздан жорий йилнинг октябрь ойида 93,1 фоизга ошганини кўрсатган.

Сўров иштирокчиларининг фикрича, 2017 йил Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизimini такомиллаштириш, замонавий ҳаф ва таҳдидларга муносиб жавоб қайтариш, мамлакат, жамият ва ҳар бир инсон манфаатларини таъминлаш имконини берган салмоқли иқтисодий ва сиёсий ислохотлар амалга оширилган.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида
ЎзА мухбири
Аблай КАМОЛОВ тайёрлади.



«Ўзбекистон овози»ни дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўқишади. Хусусан, Туркиянинг Бурса шаҳрида ҳам...
Обуна бўлай десангиз, шошилинг, вақт кам қолди!

ОБУНА ИНДЕКСИ 220

МУНОСАБАТ ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ, МАНФААТЛАРИ

ҳамма нарсадан устун



Улугбек ВАФОЕВ,
Ўзбекистон ХДП
Марказий Кенгаши раиси
ўринбосари:

— «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурини амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад ана шу олижаноб гоёни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишдан иборатдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда инсонга муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш, унинг орзу-истакларини рўёбга чиқариш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Қисқа муддат ичида, Президентимиз томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар асосида жамиятда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Энг муҳими, ушбу ислохотлар мамлакатимизда тинчлик ва фаровонлиқни мустаҳкамлашга, одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига, келажакка ишончи ортишига хизмат қилмоқда. Мазкур жараёнларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари манфаатлари ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилмоқда, уларнинг эҳтиёж ва талаблари инобатга олинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1 декабрь куни қабул қилинган «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ҳаёт сифатини яхшилаш тизimini такомиллаштириш, таълим олиш ва ишга жойлаштиришда уларга ҳар томонлама қўмаклашиш чоралари белгиланди. Мазкур фармонда белгилаб берилган чора-тадбирлар ногиронлиги бўлган шахслар мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этиши учун мустаҳкам замин яратиб берилоқда.

Фармоннинг 3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни олдидан эълон қилиниши чуқур маъно-мазмунга эга, албатта. Алоҳида таъкидлаш кераки, 2017 йил 1 августда қабул қилинган Президент фармони асосида Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизimini тубдан такомиллаштиришга қаратилган тақдирларни тайёрлаш бўйича комиссия тузилди ва у жуда самарали фаолият кўрсатди.

Комиссия томонидан тайёрланган фармон лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасининг расмий веб-сайтида эълон қилиниши барча мутасадди ташкилотларга, шунингдек, фуқароларга ўз тақлифларини тақдим этиш имконини яратиб берди.

Фармоннинг тайёрланиши жараёнида ошкоралик таъминланганлиги, ногиронлиги бўлган шахслар билан бевосита мулоқот йўлга қўйилганлиги, уларнинг долзарб муаммолари эътиборга олинганлиги мазкур ҳужжатнинг халққил бўлишига, бу эса йиғилиб қолган ўтқир масалалар ҳал этилишига хизмат қилади.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётига оид муҳим ҳужжатлар лойиҳалари кенг жамоатчилик орасида муҳокама қилиниши халқ билан очик мулоқот қилиш бўйича олиб борилаётган сиёсатнинг ёрқин намунасидир, десак, тўғри бўлади.

Фармонда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилишга тайёргарлик қўриш бўйича амалий чора-тадбирлар белгилаб берилди. Бу мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш йўналишида муҳим тарихий қадам бўлди.

Шунингдек, «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши белгиланмоқда. Бу қонун тизимдаги ислохотларни тубдан такомиллаштиришда, ногиронлиги бўлган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш жараёнини янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этди.

Фармон билан 51 банддан иборат Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизimini янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Ушбу дастурда ечимини кутиб турган муаммоларни ҳал этиш белгиланган, ногиронлиги бўлган шахсларнинг орзулари ва хоҳиш-истакларини рўёбга чиқариш назарда тутилган.

Мисол учун, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига абитуриентлар қабулининг умумий сонидан ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча равишда икки фоизли квоталар киритилади. Бу ногиронлиги бўлган шахсларнинг олий маълумотга эга бўлиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши имкониятларини кенгайтиради.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг саводхонлигини ошириш мақсадида вилоятлар, туманлар марказларида умумтаълим мактаблари неғизда Брайль алифбосини ўқитиш бўйича махсус курслар ташкил этишга оид чора-тадбирлар назарда тутилди. Бу, ўз навбатида, кўзи ожиз ногиронлиги бўлган шахслар саводхонлигини оширишга, уларнинг ижтимоий ҳаётда иштирокини янада фаоллаштиришга замин яратади.

Фармонда белгилаб берилган кенг қўламли вазифалар Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаоллари, барча даражадаги ташкилотлари зиммасига катта масъулият юклайди. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қай даражада таъминланиши кўп жиҳатдан бизнинг фаоллигимиз ҳамда талабчанлигимизга боғлиқ эканини асло ёддан чиқармаслигимиз, шунинг учун бу ишга виждонан ёндашишимиз талаб этилади.

Белгиланган вазифалар ижроси бўйича жамоатчилик ва депутатлик назоратини изчил йўлга қўйиш, бу жараёнда партияимизнинг фаоллари, парламентдаги фракциямиз, маҳаллий Кенгашлардаги гуруҳларимиз аъзоларининг кенг иштирокини таъминлашимиз зарур.



Shurtan
GAS CHEMICAL COMPLEX


«ШҲРТАНГАЗКИМЁ» мажмуаси жамоаси

барча юрдошларимизни

Конституциямизнинг

25 йиллиги билан

табриклайди!




Жиззах шаҳридаги

«БҲСТОН ОЛАМИ»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси:

— Халқимизни Конституциямиз
қабул қилинган кун билан қутлаймиз!
Ватанимиз осмони мусаффо,
тинчлигимиз абадий бўлсин!



Ўзбекистон Республикаси
Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

«Электромагнит мослашув маркази» давлат унитар корхонаси жамоаси

барча юрдошларимизни
Конституция куни билан табриклайди!
Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч, халқимиз
турмуши фаровон бўлсин!

Фурсатдан фойдаланиб, радиоэлектрон алоқа воситалари-
ни республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш
ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаш-
тириш масалалари бўйича Электромагнит мослашув маркази
ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат этиш лозимлигини
эслатиб ўтамиз.

Бизнинг манзиллар:

Тошкент шаҳри,	Нукус кўчаси, 22-уй, блок «В», телефон: 202-61-71, 230-61-13.	Наманган шаҳри,	Марғилон кўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: 230-64-72.
Андижон шаҳри,	Чўпон шоҳ кўчаси, 5-уй, 49-хона, телефон: 230-64-65.	Самарқанд тумани,	Ўрташиқ қишлоғи, Радио шаҳарча, тел: 230-64-80.
Бухоро шаҳри,	академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: 230-64-66.	Термиз шаҳри,	Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: 230-64-79.
Жиззах шаҳри,	Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, АТС-4 биноси, телефон: 230-64-68.	Гулистон шаҳри,	Мустақиллик кўчаси, 54-уй, телефон: 230-64-67.
Нукус шаҳри,	Ерназар Алақоз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: 230-64-75.	Фарғона шаҳри,	Алишер Навоий кўчаси, 37-«Г» уй, 36-хона, телефон: 230-64-74.
Қарши шаҳри,	2-микрорайон, 43-уй, 62-хона, телефон: 230-64-78.	Урганч шаҳри,	Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона телефон: 230-64-77.
Навоий шаҳри,	Амир Темура кўчаси, 4-уй, 802-хона, телефон: 230-64-69.		



«СУРҲОНОЗИҚОВҚАТСАНОАТИ»

акциядорлик жамияти жамоаси

ҳамюртларимизни Ўзбекистон
Республикаси Конституцияси қабул
қилинганлигининг 25 йиллик байрами
билан самимий муборакбод этади!

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot-va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1238

8762

nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 23:30

Topshirilgan vaqti — 01:20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Toshtemir XUDOYQULOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

772010763006

1 2 3 4 5